

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИДА МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда.)

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда республика балиқчилик хўжалиги табиий сув хавзаларининг балиқ овлаш корхоналарига ижара шартномаси шартларида бириктириб қўйилган участкаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ундириш тартиби ва миқдорлари тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, республика балиқчилик хўжалиги табиий сув хавзаларини ижарага олишдан тушадиган маблағларнинг:

60 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетларга, шу жумладан балиқчилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига;

25 фоизи — Балиқчиликни

ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ҳузуридаги Балиқчиликни ривожлантириш жамағатасига;

15 фоизи — маблағларни балиқ ресурсларини муҳофазаси қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбирларига мақсадли йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат табиати муҳофазаси қилиш қўмитасига йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси ва «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси билан биргаликда 2004-2006 йилларда балиқчилик тармоғини ва унинг озуқа базасини ривожлантириш комплекс дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, балиқ овлаш ва ба-

лиқчилик корхоналари билан биргаликда балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш буйича чакана савдо шохбачаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарига селекция-насликчилик материали, озуқа ва бошқа ресурслар билан таъминлашда кўмаклашсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда балиқчилик фаолиятини юритиш учун ажратилган қўллар ва бошқа ер майдонларидан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси табиий сув хавзаларида балиқ ресурс-

лари муҳофазаси қилиниши ва улардан оқилона фойдаланилиши, гайриқонуний ов қилишга ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотларининг ноқонуний сотилишига қарши кураш устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар. Амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

13. Қуйидагилар: Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 289-сон қарори, 9-банддан ташқари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика балиқчилик табиий сув хавзаларидан фойдаланишни яхшилаш ва балиқ ресурслари муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 11 майдаги 198-сон қарори, 6-банддан ташқари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2003 йил 13 август.

Суд мустақиллиги

Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири инсонларнинг ва одиллик тамойиллари асосида одил судловни амалга оширишдир. Қолаверса, ҳуқуқий-демократик давлат фуқароларнинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият, деб эътироф этади, шунингдек қонун олдида барча баробар эканлигини тасминлайди.

Жамият ҳаётини ҳаракатда келтирувчи ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ҳар қандай қўриқилмаган ҳуқуқбузарликларнинг

муҳим босқич бўлди. Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан тақдим этилган «Жиной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекслари» ўзгаришлари ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонуннинг тарихий аҳамияти, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишдаги роли бекиёс.

Зеро, биргина суд амалиётида ярашув институтининг жорий этилганлиги босиб, биринчидан, минглаб инсонлар «судланган» деган ноҳуш ном-

талон-торож қилганликда айбдор деб топилганлар. Бироқ, қайд этилган шахслар томонидан етказилган 12.167.682 сўм моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Фуқаро А.Тожибоев муқаддам фарибгарлик жинойти учун судланган бўлишига қарамай, У.Мавляновнинг 200.000 сўм пулини фарибгарлик йўли билан эгаллаб, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан айбдор деб топилган. Жиноят ишини жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанцияси босқичида кўриш вақтида А.Тожибоев У.Мавляновга етказган моддий зарарини тўлиқ қоплаганлиги сабабли унга тайинланган жазо ўзгартирилди. А.Тожибоев-

ОДИЛЛИК ВА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ

олдини олиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини замон талабларига мувофиқ тарзда шакллантириш, бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ишларини ривожлантириш ҳар бир ривожланган давлатнинг стратегиясига қиради.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қаҳирли олтинчи сессиясида қилган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига ўхшатиб, қуйидагиларни таъкидлаганди: «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунмиш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асослангангина демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришининг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади».

Бу борада 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда

дан халос бўлишди. Иккинчидан, қонун берган бу имконият туфайли одамлар тўғри ҳаёт йўлини танлаб олиш эркинлигига эга бўлди.

Бундан ташқари, Қонун талабига кўра, судлар томонидан иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар юзасидан судланаётган шахсларни бундан келтирилган зарарини ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган тақдирларида уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланмоқда. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан 2003 йил 30 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди ва бошқа моддалар билан айбланаётган Ш.Умаров ва Н.Долгушналарнинг жиноят иши кўрилди. Тасаввур қиласизми, либераллаштиришдан илгари бу жиноятга қандай жазо берилиши мумкин эди? Суд жиноят оқибатида етказилган 54.000.000 сўм миқдордаги зарарни ўз ихтиёри билан қоплаганликлари сабабли уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Натижада улар оилалари ва фарзандлари бағрига қайтишди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 20 июндаги ҳукмига кўра Р.Абдуразақов, С.Абдурахмонов, Р.Исмаилов, А.Абдурахмонов, П.Кан, В.Мунлар ўзганин жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан

га озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилиб, қамқовдан озод этилди.

Маъмур қонун қабул қилинишидан олдинги ҳолатни кўз олдимизга келтирсак: зарар қопланган ёки қопланмаганлигидан, судланувчиларнинг қилмишига иқдорлигидан қатъи назар улар узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинаётган эдилар. Бундан на давлатга, на жамиятга фойда бўларди. Аксинча, оила бошлиқидан маҳрум бўлган хонадон аъзолари қанчадан-қанча моддий ва маънавий муқоабалар тортмиш, ёш болалар тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилар эди. Боз устига, уларнинг йиллаб тўплаган мол-мулки мусодара қилинарди.

Албатта, суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу каби ислохотлар ҳали давом этар экан, бундан қўтилган мақсадларга эришишда судлар бундан кейин ҳам адолат тамойилларига амал қилиб, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, том маънода инсонларнинг бузилган ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш ишонамиз.

Ислохотлардан мақсад эса битта: инсоннинг қадр-қимматини ошириш, унинг шаъни, қадр-қимматини олий қадрият даражасига етказишдир.

АКБАР УМАРОВ, Тошкент вилояти 2-сон ҳуқуқ маслаҳатхонаси адвокати.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 13 августдаги қарорига ШАРҲ

Вазирлар Маҳкамаси «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Балиқчиликни ривожлантириш масалалари республика агро-саноат комплексига муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда бир қатор балиқчилик, балиқ овлаш ва қайта ишлаш корхоналари, илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишда бозор механизмларини жорий этиш буйича туб чора-тадбирлар белгиланган.

Биринчидан, ортқича бошқарув бўлини — «Ўзбалик» акциядорлик компаниясини тугатиш мақсада мувофиқ деб эътироф этилди. Балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарининг ўзини, уларнинг мол-мулкни хусусий мулк этиб тўлиқ хусусийлаштириш назарда тутилмоқда, бу уларга ўз хўжалик фаолиятини мустақил равишда юритиш имконини беради.

Иккинчидан, республиканинг табиий сув хавзаларини балиқ овлаш учун бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби жиддий ўзгаради. Табиий сув хавзалари вилоятлар ҳокимликла-

ри томонидан балиқ овлаш корхоналарига ташкил этилади, марказга 10 йил муддатга ижарага берилиши белгиланган. Шу билан бирга балиқ овлаш корхоналари томонидан балиқ овлашга квоталар бекор қилинади. Балиқ овлаш миқдорини мавжуд биологик ресурслардан, вужудга келган талабдан ва маҳсулдорликни ҳамда балиқчилик ресурсларини кўпайтиришни зарур даражада сақлашдан келиб чиққан ҳолда ўзлари белгилайдилар. Шартноманинг узоқ муддатли бўлиши балиқчилик ресурсларидан тежам билан фойдаланиш, ижарачилар томонидан уларни кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун рағбатлар яратди.

Учинчидан, балиқчилик ресурсларини кўпайтиришни таъминлаш учун Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тарихида балиқчи-

ликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади, марказга селекция-насликчилик ишлари, балиқларнинг касалликларининг олдини олиш ва даволаш буйича ишларни амалга ошириш, балиқ овлаш ва балиқчилик хўжаликларини селекция-насликчилик материали билан таъминлаш ҳамда балиқчилик тармоғининг хусусийлаштирилган корхоналарига кўмаклашиш буйича бошқа вазифалар юкланади.

Ҳукумат қарориди кўзда тутилган балиқчилик тармоғининг бозор принциплари асосида ислоҳ қилиниши истеъмо бозорини балиқ маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдиршга, табиий биологик ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга, мамлакатнинг табиати муҳофазаси қилиш қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишга кўмаклашадди.

Яна бир гап. Шу икки портлаш сабаб Фаластин бош вазири Махмуд Аббос Форс кўрғазини мамлакатларига қилаётган таширишни қолдирди. У сешанба кuni кеңқурун Қатардан Фаластинга қайтиб келди. Ташвишланарлиси шуки, сиёсат майдониди ўз ўрнига эга давлатлар томонидан ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»нинг тақдирини энди нима бўлади? Мустақил Фаластин давлати куриш масаласи-чи? Бу саволлар халқро кузатувчилар ва сиёсатдонларни ўйлантириб қўйган бўлиши табиий. Йилло, икки кўшни — Исроил ва Фаластин ўртасиди алоқани тиклаш, дўстона вазиятни вужудга келтириш учун аввало Исроил ва Фаластин раҳбарларининг саяй-харакатлари ўта муҳим эканлигини улар яхши тушунишди. Шундай экан, бу борада тинчлик қадимини ким биринчи бўлиб қўйиши бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.


Алимукул СУЛТОН

ИККИ ҲАФТАДАН БЕРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Испания миллий радиоси хабар беришича, мамлакатда жазирама 2 ҳафтадан бери давом этмоқда. Табиатнинг бу инжиқлигини айниқса қариялар азоб чекмоқда. Шу кунгача 34 киши иссиққа бардос беролмай хон таслим қилди.

Авваллари мамлакат жанубиди Андалусия ва Эстремадура автоном вилоятларида оқори ҳарорат (соьда — 45, куёш тигида — 57 даража) қайд этилиб, кишилар ўлими юз берган бўлса, эндиликда бу фохианинг географияси кенгайиб бормоқда. Кейинги кунларда Испания шимолиди Баско ва Галиси ерларида, шунингдек, мамлакат маркази — Мадрид ва Сарагосда ҳам офтоб уриб, шифохонага тушганлар қайд этилди.

Иссиқдан ўлишини олдини олиш мақсадида Мадрид шаҳри мэри қаровчиси йўқ қарияларни «Нуронийлар уйи»га жойлаштириш режасини ишлаб чиқди. Аммо ачинарлиси шуки, қариялар бу тақлифга кўнмаётганлар. Associated Press агентлигининг хабарига кўра, Францияда ҳам офтоб мавсум давом этмоқда. Иссиқ сабаб вафот этганлар сони кейинги ҳафтанинг ўзида 50 тага етди. Улар айнан офтоб «уриши»дан вафот этганлигини ҳукумат инкор этаётган бўлса-да, лекин кейинги кунларда иссиқдан азият чекиб шифохонага тушаётганлар сони кўпайиб бораётганини тан олди.



Флорида штати. Селенулар биналари.



530 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЗАРУР

БМТнинг инсонларварлик ёрдами кўрсатиш масалалари бўйича бюроси мувофиқлаштирувчиси Жанубий Африка давлатларига ёрдам бериш учун донор мамлакатлардан 530 миллион АКШ долларини миждорда маблағ ажратишларини суради. Бу ҳақда бюронинг Женевадаги вакили Элизабет Бирс «Новости» агентлигига маълум қилди.

Унинг сўзларига қараганда, бу маблағнинг 320 миллион доллар Лесото, Малавия, Мозамбик, Свазиленд, Замбия ва Зимбабве сингари давлатларга озик-овқат жўнатиш учун ажратилса, 210 миллион доллари эса ичмлик суви, табиий ҳамда кишлоқ хўжалиги технологияси етказиб беришга, шунингдек, таълим ва аҳолини эмлаш учун вакциналар олишга сарфланади.

ЯҚИН ШАРҚ: ВАЗИЯТ КЕСКИНЛИГИГА ҚОЛМОҚДА

АҚШдек ривожланган давлатлар бош қўшиб Яқин Шарқдаги кескин вазиятни биров бўлса-да юмшатиш йўлида қанчалик саяй-харакат қилмасин, қолаверса, Исроил ва Фаластин раҳбарлари ҳам бу йўлда анча ишларни амалга оширган ва ошираётган бўлишига қарамай Яқин Шарқдаги вазият хануз танглигича қолмоқда. Қанча саяй-харакатлар эвазига 29 июнь кuni Исроил ва Фаластин ўртасида вақтинчалик (3 ойлик) яраш сулҳи тузилган эди. Бироқ унга амал қилиш... Шу тинчлик келишувига эришилгандан бери унинг шартларини бажармаётганликда гоҳ у томон, гоҳ бу томон бир-бирини айблаб келмоқда.

Бу айблов у ёқда турсин, портлашлар ёки отишмалар содир этилиши-чи?! Масалан, 9 июлда Исроилнинг Фарбий соҳил билан чегарадош Кфар-Явецдаги турар жой биносида террорчи-камикадзе содир этган портлаш, 3 август кuni Ар-Гило аҳоли пункти яқинида исроилликлар кетаётган машина-

га жангарилар уюштирган ҳужум ёки Иордан дарёсининг фарбий қирғоғида қад кўтараяётган «муҳофаза девори» қурилишига қарши норозилик билдирган намоийишчиларнинг Исроил аскарлари томонидан ўққа тутилиши.

Қисқаси, икки кўшни ўртасида раҳна соладиган воқеалар кўп. Шунинг учун ҳам Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва

қўриган бу террорчини сезиб қолиб, унга қарата ўт очган. Бироқ у ўқ еган бўлишига қарамай ўзига жойланган бомбани портлатишга улгурган. Натижада бир киши нобуд бўлди, (террорчидан ташқари) 12 киши яраланди.

Шу ўринда бир таъкид: Ариэл — бу замонавий Самарининг маркази ҳисобланади. Иордан дарёсининг фарбий қирғоғида

Шарқловчи минбару

қад ростлаган бу шаҳарчага 15 йил олдин асос солинган. Ушанда мазкур шаҳарчага мамлакатнинг машҳур жанговар генерали Ариэл Шарон номи берилган эди. Бугунги кунда бу ерда 40 минг аҳоли яшайди.

Вақтинчалик яраш сулҳи тузилгунча қадар Ариэл шаҳри фаластинликлар уюштириладиган ҳужумнинг диққат марказида турди. Шунинг учун ҳам автомобилларга ёнилиб қўйиш шахобчаси ёнида содир этилган. Нафақат полиция, балки ҳарбийлар ҳам кучайтирилган тартибда фаолият олиб бормоқда. Улар жанговар ҳолатга келтирилган. Ҳозир бошқа террорчи-камикадзларни қидириш давом этмоқда. Кечанинг ўзида террорчи-камикадзлар ҳақида поли-

цияга 21 та аноним кўнғироқ бўлган.

Раш-Ха-Андаги террорчилик акти бўйича жавобгарликни ҳеч ким ўз зиммасига олмади. Ариэлдаги портлаш эса ХАМАС гуруҳининг ишидир. Бундай дейишга сабаб ХАМАСнинг ҳарбий гуруҳи сайтида 21 ёшли фаластинлик ўтган жумаддаги Наблус воқеалари учун қасос олиб, ўзини портлатгани ҳақида ай-

тилади. Ушанда исроилликлар томонидан ХАМАС гуруҳининг икки фаоли отиб ташланган эди.

Бироқ ХАМАС ва «Ислам жиходи» экстремистик гуруҳи вакиллари Раш-Ха-Аин ва Ариэлдаги портлашларга алоқаси йўқлигини таъкидлашмоқда. Улар вақтинчалик яраш сулҳига амал қилишаётганини уқтирилмоқда.

Афсус, исроилликлар тинчлик битимини энди амал қилмаслигини алоҳида таъкидлашди. Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шалом яқшанба куниниёқ фаластинликлар билан тинчлик келишуви энди тўхта-тилиши ҳақида маълум қилган эди. Қисқаси, Яқин Шарқдаги аҳвол яна кескинлашиб кетди.

Исроил ҳукумати қамоқда қолган 76 фаластинликни озод этмаслигини айтиди. Шу кунгача 334 маҳбус озод этилган.

Reuters хабарига кўра, исроилликлар томонидан тинчлик битимига амал қилмаслик қачонгача давом этиши ҳозирча номаълум.

Далил ва шарҳ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бозорда нархни унинг ахли белгилайди. Бунда харид қилиб олингучи товарларнинг сифати, сероб ёки камёблиги асосий ўрин тутди. Шунинг учун ҳам нарх масаласида бозор ва бозор ахлини айлалашга кўпма ошқимайлик. Кунни кеча рабталарда юриб кўрганларимиз бозор ҳамшиша ўз қондалари асосида яшашини, ундан нолишга ҳаққимиз йўқлигини яна бир бор ифода этди.

Тўқинлик — нарх-наво мўтадиллиги гарови ва арзонгарчиликнинг биринчи шарти ҳисоблана, иккинчи шарт — бозорнинг ўзимизда ишлаб чиқарилган мол ва маҳсулотларга сероблиги. Учинчи шарт — савдо-сотик учун яратиб берилган шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар. Ва ниҳоят бу жараённинг бозор муносабатлари мўҳити, маънавий омиллари: кишиларнинг ҳуқуқий онг савияси, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни идорқ этиш ҳисси, салоҳияти, инсоний бағрикенгликлар билан ҳам чамбарчас боғлиқлиги бор. Мўқаддам нарх-наво қанчалик баландамасин, айрим мол ва маҳсулотлар баҳоси вақти-вақти билан пастлаб ҳам турар ва хиёл ўтгач, яна жойига қайтарди. Ялпи арзончилик жараёнлари хали кузатилмаганди. Энди эса бу ижобий манзара ҳамма жойда бирдек бўйи кўрсатмоқда.

Яна бир эътиборга молик ҳолат: мамлакат бозорларида нарх-навонинг ўзаро муносиблиги вазиёти юзага келаяпти ва бу жараённи ҳам ижобий баҳоламоқ даркор. Ўзбекистоннинг турли минтақалари: Тошкент, Хоразм, Фарғона ёки Сурхондарё бозорларида энг муҳим истеъмол моллари баҳоси бир-бирдан атиги 5-10 фоиз фарқ қилади, холос. Хуллас, бугун озик ва ноозиқ-овқат молларини бозорларимизда 3-4 ой мўқаддам қайд этилганига қараганда 30-50 фоиз ва ундан ҳам пастроқ нархларда сотиб олишингиз мумкин. Булар орасида асосий озик-овқат маҳсулотлари ҳисобланган бугдой ва гурч ўтган йилнинг шу давридагидан деярли икки баравар кам нархларда сотилаёпти. Ғўштининг нархи 20-30 фоиз арзонлаган. Демак, мўтадиллашув жараёни давом этаёпти.

Арзонлашув омиллари ҳақида гап кетаркан, биринчи галда тўқинлик ибораси тилга олинади. Мамлакат бозорларидаги тўқинлик, истиқлол айёми билан бошланганлигини одамлар яхши эслашади. Бироқ, бундай тўқинликдан бозор ахли деярли наф қўрмади. Негаки, дўкон ва расталар олдинига чет элнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ мол ва маҳсулотларига безана борди. Оқибатда истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи ўз қорхоналаримизда моддий бойлик яратиб жараёнлари тўхтаб қолаёзди. Авваллари ўнта молини ўн сўмга пуллаган аксарият қорхоналар кейинчалик ўнта ўрнига битта мол ишлаб чиқариб, уни ўнга пуллашни одат қилишди. Натжиҳада, кўпгина дастгоҳлар тақа-тақ тўхтади, анчагина иш ўринлари тугатиб юборилди. Шунда ишдан озод этилганларнинг кўпчилиги ўзини бозорга урди: бир қисми олиб-сотарликни, қолгани чет элнинг сифатсиз ва арзон-гаров молларини келтириш ва улғурчи пуллашни касб қилди. Бу ҳол бозорлар фаолияти, қолаверса, одамларнинг ижтимоий турмушига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Аслида бир пуллик молнинг нархи таъминотчидан — олиб-сотарга, олиб сотардан истеъмолчига етиб боргунча ўнларча, ҳатто юз баравар баландага ўрлади. Бу ҳол пулнинг қадричилигини ҳам анча-мунча йўл очди. Саробга ўшашган бундай тўқинликдан деярли ҳеч ким наф қўрмади.

Шу ўринда яна битта ҳаётий ҳақиқатдан сўз очмоқ мавриди: бозор ахли — фуқарога ҳеч маҳал тўқинлик инъом этолмайди. Чинакам тўқинликка йўқни борга дўндириш: ишлаб чиқариш, моддий бойликлар яратиб баробарида эришилади. Бозор таъминотини ҳар бир мамлакатнинг ўз моддий бойлик масканлари гарданига олмас экан, тўқинлик ва арзончиликдан сўз очмас ҳам бўлавермади. Аммо, шунинг ҳам таъкидлаш ўрниги, бозор бозорбоп молларини тана олади. Қадрланмаган мол эва ўтмас матоҳга айланади.

Истиқлолга етишган ўзбекистонликларга Россия ёки Болтиқбўйи республикалардагидек замонавий усқунланган санаят, юксак даражада ривожланган қишлоқ ҳўжалиги, ҳавас қилса арзиғулик инфратузилмалар эмас, алмисокдан қолган жиҳоз ва ўта яроқсиз иш усқублари мерос қолганлигини бугун ҳатто ўзгалар ҳам эътироф этишади. Бу каби ашқол-дашқоллар билан узокқа борилмаслиги ҳам беш қўлдай аён. Ана энди илғағандирсиз, мамлакат Президенти ва Ҳўкумати мустақилликнинг илҳ палласидаёқ республика ахли олдида хорижнинг илгор технологияси ва инвестицияларини юртимизга жалб қилиш масаласини кўйганлиги боисини. Уза давлатлар таърибаси илгор технология ва инвестицияларнинг муайян мамлакатга кириб келиш жараёнлари узок давом этиши, бир неча ўн йилларгача қўзилишини кўрсатади. Бу жараён мамлакатимизда истиқлол айёмидан сўнг бошланган бўлиб, давлатимиз раҳбари ана шу стратегик вазиёфининг нечоғлик катта аҳамияти ва муҳимлигини такор-такор таъкидлаб келади. Шундай эса-да, бошланган ишнинг натижасидан ҳали-бери умидвор эмасдик. Би-

роқ, мамлакат раҳбари ва халқнинг қатъияти ҳамда тадбиркорлик, омилкорлик ҳаракатида очиб берилган кенг ва равон йўллар ўз натижаларини ҳозирдаёқ бера бошлади. Эндиликда мустақил Ўзбекистон ўзининг замонавий технологиясига асосланган ийрик иқтисодий салоҳияти, ишончли сармолярига эга ва у бозор тўқинлиги, демакки нарх-наво мўтадиллигининг ҳам гаровига айланади. Бу — айни ҳақиқат. Башарти, бунинг акси бўлганда бозор иқтисодиётининг энг муҳим тамойили — нарх-наво мўтадиллиги учун қураш пойғаси ва рақобат мўҳити ҳали-бери юзага келмасди.

Бозорларимизга на Россия бўли, на Америка доллари устун бўлмас балки, аммо ўзимизнинг қудратли иқтисодий потенциалимиз унга ҳамшиша ишончли пойдевор бўла олишига ишончимиз қомил. Ҳозир кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий қорхоналар республикамизнинг ҳамма вилоятлари, шаҳарлари ва қишлоқ жойларида ҳам ишлаб бошлади. Уларнинг кўпчилиги хорижий шериклар ва инвестициялар иштирокида ҳамда ҳозирги замон фан-техникаси ютуқлари асосида жиҳозланган моддий бойлик масканларидир.

Ўтган йили мамлакат Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси республикамизга хорижнинг яроқсиз истеъмол моллари кириб келишини чеклаш ва бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида далил қарорлар қабул қилинди. Бозорлар фаолиятини тақомиллаштириш ва уни бошқаришга доир қатор ишловот тадбирлари бошланди. Ўзбекистон Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари эълон қилинди. Қонунчилигимизда бир қанча янгиликлар пайдо бўлдики, буни

нидан ишлаб чиқарилаётган ва савдога қўйилаётган мол ва буюмлар нархи умумтасарруфидида тузилмалар мақсулотидан хиёла арзонлигини ҳам кўрсатаёпти.

Бозорларда хориждан келтирилаётган моллар кўп. Бироқ, фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майда қабул қилган қарори, Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 11 июлда қабул қилган Фармони талаблари асосида ташкил этаётган хусусий бизнес соҳиблари бу жаҳада ҳам ташаббусни кўлга олишди. Харидорлар мўқаддам бозорлар ҳўқмдори сифатида танилган «Матлуботсавдо», «Ўзбексавдо» ва бошқа ийрик савдо-тижорат тузилмалари дўконларига эмас, балки тадбиркорлар расталарига кўпроқ оқиб келишапти. Уларга қарашли пештахталардаги молларнинг нархи ҳеч қимни «чақиб олмайди», сифати баланд, турлари кўп. Харидорни ўзига жалб этиш учун шунинг ўзи қифоя. Боз устига, тадбиркорлик субъектлари қарамонидида савдо нуқталарининг аксарияти харидорлар учун қўлай ва гавжум масканларга жойлашган. Азалдан номдор савдо ташкилотларига қарашли дўконлар эса кўпичина пана-пастқамларда қўлиб кетган. Каттақон савдо залларидан иборат бундай дўконлар харидорлардан холи, пештахталари деярли бўм-бўш, кўпчилиги таъмирталаб. Бундай алпоздаги савдо-тижорат масканлари замонавий тадбиркорлик бозори билан соғлом рақобатга киришиши амри-маҳол.

матоҳга айланади ва соҳибини молиявий муаммолар гирдобига етаклайди. Бундан чиқди, фаолиятини бозордаги талаб ва эҳтиёжга қараб ташкил этаётганлар ютади, уни менсиманлар эса ютказади. Ушбу тамойилга кўра «Ўзавтосаноат» уюшмаси жамоаларининг фаолияти ибратга сазовор. Бу ерда нарх ҳамшиша бозор талабларига мувофиқ белгиланаётгани боис, иқтисодий бўҳронлар фаолиятга таъсир ўтказмайдими. Юқоридан номлари келтирилган доврўғдор савдо ташкилотлари, шунингдек, кенг халқ истеъмол молларини ишлаб чиқараётган қатор санаят тизимлари эса мураккаб иқтисодий муаммолар билан тўқнаш келиб туришибди.

Модомики, инсоф-диёнат, иймон-эътиқодга бир киши бош қўшар экан, унга бошқалар ҳам албатта ҳамкор, ҳамқадам, ҳамнафас ва ҳўрвоз бўлмоқлари даркор. Зеро, дунёни қабиҳлик эмас, эзгулик асарайди. Доно ва даҳо инсонларнинг онг-шўури, раҳбарлик ва раҳнамолиги, ўзоқни ўзгалардан олдин кўра ва кўзлай олиш салоҳияти туфайли халқимиз ўз мустақиллигига эришти. Дилимиз ва жисмида озодлик туйғулари ниш ўрди. Бозор муносабатлари тараққиётнинг асосий омилли, ҳаракатлантирувчи воситаси эканлигини ҳам шунда англадик. Бу каби тағзаминчи тадбирлар шарофатидан бозорларимиз файзу барокотга тўлаёпти. Арзонгарчилик — унинг бир нишониси. Бозор ва бозор муносабатларига хайрихоқ бўлганлар унинг йўлларига ҳеч маҳал тўсиқ солмайдилар. «Ўзавтосаноат» раҳбарияти арзон сотиш-кўп сотиш эвазига айрим молиявий муаммоларни муваффақият билан бартараф этаётган экан, бу каби омилкорликдан нега бошқалар: кенг халқ истеъмол товарлари (озик ва ноозиқ овқат моллари)ни ишлаб чиқараётган жамоалар ўрناق олишмаптапти?

Ялпи мўтадиллашувга бозорда эмас, бозордан ташқарида йўл очилади. Айтилганидек, бунга бозор тамойиллари, савдо-сотик билан боғлиқ инсоний фазилатлар: инсоф-диёнат, иймон-эътиқод намуналарини ҳамма барча жойда намоён этиши туфайли эришилади. Бу ерда гап бозордан ташқарида амалга оширилаётган савдо-сотик тадбирлари, хусусан таъминот ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳамда унинг эвазига ҳақ ундириш меъёрлари ҳақида кетаётганини илғаётгандирсиз. Бу жаҳадаги манзарага разм солган киши бозор иқтисодиётининг афзал ва ижобий жиҳатлари мазкур тармоқларда ҳали тўла намоён бўлмаганлигини англади. Истеъмол бозорининг ижобий жиҳатлари тобора кўп кўзга чалинаётган ҳозирги паллада мутасадди идоралар, чўнончи, ўғит, ёнилги, табиий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, қурилиш жиҳозлари, технологик усқуналар таъминоти, коммунал хизмат, йўловчи ташини соҳаларида монопол ҳўқмронлики қўлдан

бермаётган тармоқ қорхоналари, вазирлик ва бошқа маҳкамалар нархларни меъёрлаштириш масаласида ҳали бурилиш яшаганича йўқ.

Шу аснода жорий йилнинг 1 апрелидан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ўз қорхоналари етказиб бераётган табиий газ учун янги нархлар белгиланганини ўринли бўлди дея олмаймиз. Афсуски, янги нархлар пойғасида бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар ҳам анча-мунча «фаоллик» кўрсатишапти. Яшнмакки, давлатимиз Йўлбошчиси ва Ҳўкумати бу гап ҳам ва ушбу масалада оммага қайишиди: 2003 йилнинг 2 апрелидан бошлаб, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёزلар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармоннинг ижобий жиҳати шундаки, мамлакат фуқаролари оилаларига йўлланадиган компенсация маблағлари давлат бюджетни ва пенсия жағфармаси ҳисобидан қоланади. Ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағлари даҳисиз қолади. Фикримизча, бозорда монопол ҳўқмронлик қилаётган вазирлик ва идораларда ишлаб чиқарилаётган мол ва маҳсулотлар таннархини камайтириш, тежамкорликнинг барча чораларини ишга солиш учун астойдил жон қўйдиришаётгани йўқ. Бу эса таъминот ва кўрсатилаётган хизматлар қийматида яққол акс этаёпти.

Давлатимиз жағфармаси — умумхалқ бойлиги. Мутасадди вазирлик ва идоралар ушбу бебахо бойлиқни харжлаш масаласида давлатимизга мададор бўлиб, сарф-харajatларни ҳўкумат эмас, ўз зиммаларига кўпроқ олмақлари зарур, наздимизда. Акс ҳолда, бундан ҳеч қим манфаат топмайди. Таъминот ва хизмат кўрсатиш бўйича барчага мақбул нархларнинг жорий этилиши равнақ ва тўқинлик омиллига айланади, давлатимизни эса қўшича маблағлар излаб топшиш ва харжлаш мажбуриятдан халос этади. Монопол маҳкамачилик фаолиятини чеклаш ва таъминот ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича мўқобил тизимларни кўпроқ вуҳудга келтириш — ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Пиру бадавлат ота-боболаримиз дуога қўл очишар экан, ҳамшиша бозорларимизга тўқинлик, арзонгарчилик, эл-юрта тинчлик ва омонлик тилашади. Ушбу дунонинг маъноси ниҳоятда кенг ва теран. Зеро, юрт равнақи ва қудратига ана шу омилларга равон йўл очади.

Норобо ШАКАРОВ,
Абдулла СОБИРОВ



Мустақилликнинг 12 йиллиги олдидан

ХДП Ўртачирчиқ туман кенгаши неғизда «Обод маҳалла йили» доирасидаги тадбирларда ХДП ташкилотларининг иштироки» мазусида кўргазмали семинар ўтказилди. Тошкент вилоят партия кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган мазкур тадбирда Бекобод, Бўка, Ўртачирчиқ, Оққўрғон туман партия кенгашлари етакчилари З.Қодиров, С.Бўриев, Ф.Абдуҷабборов, М.Турдибоева, «Нуроний» жағфармаси Ўртачирчиқ туман бўлими раиси М.Маматқулов ва бошқалар иштирок этиб, бу доирада ўтказиладиган тадбирларнинг фуқаролар ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тўхтадилар. Иштирокчилар, шунингдек «Уйғур» ҳамда У.Юсупов номли маҳаллалар ёшларининг қувноқлар ва зуққоқлар беллашувини ҳам томоша қилидилар. Вилоят партия кенгаши биринчи қотиби С.Аъзамов мустақиллик байрами арафасида партия ташкилотлари олдига турган вазиғалар тўғрисида гапирди ва беллашув иштирокчиларига эсдалик совғалари топширди.

ХДП Норин туман кенгаши жойларда ободончилик ишларини ташкил қилиш ва «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган вазиғаларни бажаришни таъминлаш мақсадида Марғизор қишлоғида фаоллар йиғилишини ўтказди. Унда қишлоқларни ободонлаштириш, қўчатларни парвариш қилиш ва бу ишга барча қишлоқ ахлини жалб этиш масаласи муҳокама қилинди.

Худди шундай йиғилиш Ш.Рашидов тумани «Гулзор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий бошланғич партия ташкилотиде ҳам бўлиб ўтди. Унда байрам арафасида жойларда ўтказиладиган турли тадбирлар, ободонлаштириш ишлари ва партия ташкилотининг мазкур жараёнларда иштироки билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Улар юзасидан туман ҳокими ўринбосари Г.Бобоқулов, ХДП туман кенгаши биринчи қотиби Р.Сатторов, «Маҳалла» жағфармаси туман бўлими раиси Х.Шукрўрлар гапирдилар. Шунингдек, тадбир ниҳоясида ҳам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган кишилар ва ногиронларга совға-саломлар улашилди.

ХДП Жиззад вилоят кенгаши, «Нуроний» жағфармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда, истиқлолнинг 12 йиллигига бағишлаб жойларда учрашувлар, «давра суҳбатлари»ни ташкил қилмоқда. Вилоят Тез тиббий ёрдам маркази, «Кўтарма» маҳалласи ҳамда шаҳарда жойлашган ҳарбий қисмда ўтказилган тадбирларда уруш ва меҳнат фаҳрийлари, партия фаоллари Маҳмуд ота Шерназаров, Эркабой ота Исломов, Низом ота Сувонқулов, Тангиртой ота Бойсарфўрлар иштирок этидилар. Улар йиғиланларга мустақилликнинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаб бердилар. Тадбирларда сўзга чиққан партия вилоят кенгаши биринчи қотиби М.Иномов, «Нуроний» жағфармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Н.Абдусаматовлар эришилган ютуқлар ва партия ташкилотининг олдига турган вазиғаларга тўхталдилар.

НОН — АЗИЗ, НОВВОЙЛИК ХАМ...



— Хар кунни 20 тоннага нон, булка ва қандолатчи маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, — дейди Тошкентдаги «Сағбон-нон» очик турдаги ҳиссадорлик жағмияти раҳбари Асатилла Ҳикматов. — Улар 40-45 турда бўлиб, 145 та савдо шаҳобчаларига пешманеш етказиб берилаяпти. 8-60 минг сўмгача етаяпти. 58-риий йил бошдан уларнинг ойлик иш ҳақлари 25 фоизга ўсди ҳам. Боз устига, ҳиссадорлик дивидендларини мунтазам олиб туришибди.

— Нон — азият эмас, — дея гапга қўшилди моҳир новвойлик Малохат Набиева, — Уни пиширувчилар ҳам азият касб эгаларидир. Шу боис, касбимдан фахрланаман.

Умиджон САТТОРОВ
Суратларда: таърибали новвойлар Малохат Набиева билан Дилфуза Комилова иш устида; қорхона биносининг умумий кўриниши.

Мўтадиллашув

МАМЛАКАТИМИЗ БОЗОРЛАРИДА НАРХ-НАВОЛАР БАРҚАРОРЛАШИБ БОРАЁТГАНИ ХУСУСИДА



кўпчилик мамлакат ижтимоий-иқтисодий турмушини соғломлаштиришга қаратилган ғоят муҳим инқилобий тадбирнинг ҳуқуқий асоси сифатида баҳолади. Кўпгина ҳамкорларимиздан бу тадбирни: «бир неча йил мўқаддам бошласа ҳам бўлаверарди-ку, уни нега шу пайтгача пайсалга солиб келишди», — мазмунда эътирозлар ҳам эшитдик. Бундай хайрли ва самарали қадамлар зарур ишлаб чиқариш воситалари ва муносабатларисиз ташланмаслигини юқорида эслатдик. Зеро, бозорларимизни ўз мол ва маҳсулотларимиз билан таъминлаш ва тўқин қилиш мавриди келди.

Моддий-иқтисодий имкониятлар кишилар дунёқарашидеги ўсиш ва ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда юзага келади. Алмисокдан қолган технологияни янгица фикрлаш ва қарашларсиз ўзгартира олмайсиз. Юзага келадиган янги иқтисодий омиллар, фаровон турмушга бўлган қомил-ишонч кишилар онги, тафаккури, қайфиятини тубдан ўзгартириб юборади. Бойиш аслида нархга нарх қўшишдан эмас, балки биринг ўрнига ўрни ишлаб чиқариш ва уни арзон сотишдан бошланиши билан боғлиқ. Янгица дунёқараш ҳам ана шу йўсунда шаклланади.

Бозорларда харидорларни алдаш, нархни ошириб кўрсатиш ҳоллари кескин камайган эътиборини тортади. Назорат-касса машиналарининг савдо масканларига кириб келиши ва баҳони суъбий равишда ошира боришдан сотувчилар ортиқ манфаат топа олмаслиги нархларни жиловлаш омиллига айланади. Нархнинг бу тарзда мўтадиллашувни савдототиқни тағинда жонлантириш гаровига айланиши шубҳасиз. Бу жараён ўз молини бозор харидондан ҳамон баланд сотаётган юқоридеги номдор савдо-тижорат ташкилотларини «оёқдан чалиши» турган гап. Аммо, нафисламбирини айтганда, мазкур савдо-тижорат масканларини чоғга бегоналар эмас, балки ўзи хон, қўланкаси майдон «қадрдон» таъминотчи шериклар — санаятчилар етаклашаёпти. «Ўнта эмас, битта мол ишлаб чиқару», ўнтасининг нархига пулла» қабилидаги широрга жон-жаҳди билан ёпишиб олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, афсуски ҳали барҳам топгани йўқ. Монопол мақомдаги номдор савдо-сотик доираларининг бозори касод бўлиши учун шунинг ўзи қифоя.

Президентимиз Парламентнинг 2002 йил декабрь сессиясида 2003 йили мамлакат фуқароларининг реал даромадлари анча оширилиши масаласига эътиборни жалб этиб, мутасадди маҳкамаларни ушбу олганнод ниятини оғишмай амалга оширишга даъват қилганди. Давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 1 апрелдан эътиборан коммунал-уй-жой тўловларини компенсациялаш, 1 майдан бошлаб эса иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақа миқдорини 20 фоиз оширишга қарата шу йил 27 март ҳамда 2 апрелда чиқарган 2 та Фармони ҳам ана шу соҳадиги изчиллик ва собитқадамликнинг яққол ифодаси бўлди.

«Яхши қовун бир-бирдан ранг олади», — дейди халқимиз. Тадбиркорлик ҳаракати катнашчиларининг бозор тўқинлиги, нарх-наво мўтадиллиги томон таъинлаётган эзгу ва дадил қадамлари савдо-сотик муносабатлариде иштирок этаётган бошқа ҳўжалик субъектларини ҳам айнан шундай саъй-ҳаракатларга ундамоғи ҳаётий зарурат, албатта.

Истиқлол айёмиде харидор борки, бари устувор маъке ва ҳўқуққа эга бўлди. Бошқача айтганда, ўнтасини кўриб, биттасини харид қилиш имконини қўлга киритди. Бундай шароитда сотилаётган молнинг нархи кўпичина харидорнинг раъйига қараб белгиланади. Ушбу вазиётда арзони ўтади, қиммати ўтмас

